



**ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН  
КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ  
ЛАУРЕАТЛАРИ**



Шоир Эркин Самандар улуғ доҳийга атаб ёзилган «Ленин Хоразмда», шунингдек, «Севишганлар шахри» дostonлари учун 1980 йилда Ўзбекистон Ленин комсомoли мукофoтини олишга сазовор бўлган.

ЭРКИН САМАНДАР

# БАҲОР ОҚШОМЛАРИ

*(Шеърлар ва достон)*



Тошкент  
Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети  
«ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти  
1984

С 28 **Самандар Эркин.**  
Баҳор оқшомлари: (Шеърлар ва  
достон).—Т.: Ёш гвардия, 1984.—80 б.

Хоразмлик шоир Эркин Самандарнинг шеърлари халқ тилига яқинлиги, ўйноқлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу тўпламда унинг бир қанча янги шеърлари, «Баҳор оқшомлари» туркумига жамланган ишқий саккизликлари бор. «Дарё беғараз» эса «Ленин Хоразмда» достонининг қайта ишланган, тўлдирилган кўриниши бўлиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Қомпартиясининг 60 йиллигига бағишланган.

**Самандар Эркин.** Весенние ночи.  
Стихи, поэма.

Уз2

С 4702570200—106 52—84  
356 (04) — 84

© «Ёш гвардия» нашриёти 1984

# ШЕЪРЛАР



## **ҚҰЛИНГНИ БЕР, ДҰСТИМИ!**

Қуш ёлғиз учмайди узоққа,  
Сафарга чиқади тўп бўлиб,  
Лашкардек саф бўлиб, кўп бўлиб...  
Қуш ёлғиз учмайди узоққа.

Шериксиз яшолмас булутлар,  
Осмонни эгаллар тўп бўлиб.  
Ёмғирга айланар кўп бўлиб,  
Шериксиз ёғолмас булутлар.

Сен менга қўлингни бер, дўстим,  
Армонлар қолмасин тўп бўлиб,  
Иккала юракда кўп бўлиб...  
Сен менга қўлингни бер, дўстим!

## ПАХТАКОРИМ ХОРАЗМ

Кўкўпар хирмон яратмоқ  
Дилдаги орзу дединг,  
Пахта хирмони саодат  
Нурига кўзгу дединг,  
Сен бу кунлар завқу шавқин  
Интизор кутган эдинг,  
Айтур энди дўсту қардош  
Сенга раҳмат, Хоразм.

Сен баҳорнинг бесаранжом  
Кунларини эслагил,  
Кўзга уйқу келмаган танг  
Тунларини эслагил,  
Армонлари, шодликлари,  
Заҳматларини эслагил,  
Ёнди қалбингда шижоат,  
Тошди ғайрат, Хоразм.

Сен амр этдинг, юракка —  
Эзгу ният бўлди жо,  
Эзгу ният йўлларида  
Юрдинг олға доимо,  
Бор жамолин кўз-кўз айлаб  
Келди фасли бебаҳо,  
Бўлди пахта элу юртга  
Зебу зийнат, Хоразм.

Меҳринг истаб келди олтин  
Имтиҳоний бул фасл,  
Не дейин ахир, ўзинг  
Ёшулли элсан, кўп асл,  
Сўзларимни, жон диёрим,  
Севган ўғлинг сўзи бил,

Сенга роз айтмоққа қалбим  
Қилди журъат, Хоразм.

Пахта ишқи сенга мерос,  
Пахтакорлик ота касб,  
Ўсди, улғайди, куюнди  
Пахта деб наслу насаб.  
Пахтадан ранг олган эрса  
Оқ кўнгиллар не ажаб,  
Пахтакорлик сенга файзу  
Кўрки хислат, Хоразм.

Хивада гумбаз, минора  
Товланур нурлар ила,  
Боғ-чаманлар бағри ободдир  
Малак, ҳурлар ила,  
Чулғаниб ҳар пайкалу  
Ҳар бир эгат дурлар ила,  
Бўлди қўйнинг дилга роҳат  
Мисли жаннат, Хоразм.

Меҳнатингни ўлчагудек  
Тош-тарози қайда бор,  
Журъатингни мадҳин айтган  
Комил сози қайда бор,  
Созларингнинг бошқа мендек  
Ишқибози қайда бор,  
Кони меҳнат, кони ҳикмат,  
Кони санъат, Хоразм.



Шундай удум бордир элда азалий:  
 Айни навбаҳорда дўстлар бўлиб жам,  
 Жаранглар дил тори, юрак ғазали,  
 Гул бўлиб бўй сочар Наврўзи олам.  
 Не бахтдир боболар рўшнолигини  
 Хаёл кўзгусида кўролсам равшан.  
 Уларнинг баҳорга ошнолигини  
 Сўзласин шаҳри Кат, сўзласин Овшар.  
 Муҳаммад Хоразмий кечган йўлларда  
 Из қолди Ал-жабр ҳикматига тенг.  
 Паҳлавон Маҳмудни севган дилларда  
 Нур қолди самонинг ўзи қадар кенг.  
 Огаҳий ғазалин ҳар байти нола,  
 Ошиқ юракларда бермиш акс-садо.  
 Не ажаб кўкламда мисли шалола  
 Дилларда жўш урса Наврўз—ул, наво.  
 Табаррук зотларнинг ворисларимиз,  
 Қалбларга ҳамроздир қадим оҳанглар.  
 Баҳорги уфқнинг ўзидек қирмиз,  
 Алвон байроқларда товланар ранглар.  
 Куннинг узайгани—шарофат рамзи,  
 Она офтоб ўзи заминга ҳозиқ.  
 Дийдор базмидир бу, сумалак базми,  
 Базм аро янграйди баҳорий қўшиқ.  
 Бугун гулистондир фараҳли диёр,  
 Лабдаги кулгулар қуёшда зарра.  
 Муҳаббат боғида қизлар баҳтиёр,  
 Тан бермай бўлурми, дўстим Абдулла?  
 Ерга тушаётган уруғлардан то  
 Кузги осмон ўпар хирмонга қадар —  
 Тортилган йўлда эл заҳматга ошно,  
 Заҳматки — улардан яралур зафар!

## ЎЗБЕГУ ТОЖИК

Орзулари оқ, илги қадоқ ўзбегу тожик,  
Сўйлай деса, тарихи узоқ ўзбегу тожик.  
Мозийда куйиб чекди фиरोқ ўзбегу тожик,  
Гоҳи Тўмарис, гоҳи Широқ ўзбегу тожик.

Жанглари кечиб ўз эли, ўз юртида раҳмон,  
Ўз кўксини эрк ёвларига айлади қалқон,  
Саф бошида Алпомиш ила Рустами дoston,  
Жангномага илк битди варақ ўзбегу тожик.

Тўлқин ғазоби, шиддати дарёда кўринди,  
Дил дарди оқиб, наъраси гирёда кўринди,  
Чарх илми Беруний била Синода кўринди,  
Зулмат ичида ёқди чироқ ўзбегу тожик.

Нур рангини бахш этди каломига Навоий,  
Лол ўлди санам сарви хиромига Навоий,  
Кўргузди лутф меҳрини Жомийга Навоий,  
Бир тан ила жон, қошу қароқ ўзбегу тожик.

Мажнунни олов севгиси саҳрога юборди,  
Тоҳирни кўзин бойлади, дарёга юборди,  
Донғини ёйиб, номини дунёга юборди,  
Ошиқ элига берди сабоқ ўзбегу тожик.

Даврони келиб ғамлари, қайғулари кетди,  
Хур оилада дилдаги орзусига етди,  
Бахт юлдузининг жилваси—ёғдусига етди,  
Тонг елларига очди қучоқ ўзбегу тожик.

Дўст меҳри яшаш қадри билан тенги баробар,  
Дўст меҳри умр файзи, юрак мулкига гавҳар.  
Дўст тожик элин севди, қўшиқ битди Самандар,  
Шод бўлғай эди солса қулоқ ўзбегу тожик.

## ГУЛГУН ДИЁР ЖАРАНГЛАР

(Озарбайжонлик дўстларни  
диёримизда қутлаб)

Ўзбек қардош! Сени ҳар кўрганимда,  
Нозик торда гўё диллар жаранглар.  
Қўширимга қўшганингда сен овоз,  
Оқар сойлар, жўшқин селлар  
жаранглар.

Сулайман РУСТАМ

Тилларда лутфи алёр,  
Қўлларда тор жаранглар.  
Дилларда меҳр бисёр,  
Гўё баҳор жаранглар,  
Қўп ишвакор жаранглар.

Қўлларда тор жаранглар  
Гуллар кулиб ноз ила,  
Минг турли алфоз ила,  
Сўз эшилиб соз ила,  
Баҳор ила, ёз ила,  
Қўлларда тор жаранглар,  
Гулгун диёр жаранглар.

Бунда Собир ғазали,  
Бунда Боку гўзали,  
Бунда дўстлар жамул-жам,  
Бунда Сулаймон Рустам,  
Қўлларда тор жаранглар,  
Алвон шиор жаранглар.

Меҳмоннавоз Хоразм,  
Дўстга ҳамроз Хоразм,  
Амударё шўх оқар,  
Дилда қўшиқ чўх оқар,  
Қўлларда тор жаранглар,  
Қалта минор жаранглар.

Мен-да, сизга ошиқман,  
Мен-да, сўзга ошиқман,  
Анор юзга ошиқман,  
Шаҳло кўзга ошиқман,  
Қўлларда тор жаранглар,  
Тилда ашъор жаранглар.

Боғу бўстон бор бўлсин,  
Боғда меҳмон бор бўлсин,  
Озарбайжон бор бўлсин,  
Ўзбекистон бор бўлсин,  
Қўлларда тор жаранглар,  
Тор такрор жаранглар,  
Қадаҳ хумор жаранглар.

## ФОРИШЛИК САЙЕҲ

Савлат тўкиб юрар Парижда  
Форишнинг чўнг колхоз сардори.  
Ҳазил учун сўрар боришда:  
«Қатда бунинг телпак бозори?»  
Кўчаларга ташлайди нигоҳ,  
Рекламадан кўзи қамашар.  
Орқасидан юриб қизлар гоҳ,  
Дўпписини айлар томоша.  
Шунда кулиб, мўйловин бурар,  
Тавозега билдирар қуллуқ.  
Сал нафасин қисиброқ турар  
Бўйнидаги шоҳи галстук.  
Яланғоч қиз суратин кўриб,  
Ҳайрат ичра бўғилар тамом.  
Лек иболи кўзлар сурури  
Юрагига бағишлар ором.  
Сайрдан сўнг ўтирса ҳорғин,  
Қора кофе тутар мезбонлар.  
Ичар, ахир ёзмасин тағин:  
«Қофе нима—билмас деҳқонлар».  
Ичар, лекин кошкийди шу тоб —  
Бир пиёла аччиқ чой бўлса.  
Ёдга келар, иштаҳа қўзгаб,  
Ўзимизнинг думбамоё сомса...  
—Париж қалай?  
Кулишар дўстлар,—  
Жавоб берар:  
—Яхшидир Париж...  
Мўйлов бураб, сўнг қўшиб қўяр:  
—Аммо зўр-да бизнинг шу Фориш!

## АМУДАРЁ

Гоҳи майин, сокину ювош,  
Гоҳи ўжар, танти ва бевош,  
Тўлқинлари уфққа туташ  
Севинч дарё, қайғу дарёсан.

Едирган ҳам, ичирган ўзинг,  
Ўтроқ этган, кўчирган ўзинг,  
Жайхун бўлиб жўш урган ўзинг,  
Замонларга кўзгу дарёсан.

Сенга боқсам, оқизар хаёл,  
Сен куйлайсан, мен қоламан лол,  
Сенсан тутқич бермаган иқбол,  
Армон дарё, орзу дарёсан.

Тарқаб кетди тепангдан булут,  
Офтоб каби кулди она юрт.  
Ҳар жилғаси баракаю қут,  
Ҳар қатраси инжу дарёсан.

Лойқа сувинг тўйиб ичганман,  
Мавжларингдек тошиб жўшганман,  
Қўш соҳилинг гуллаган чаман,  
Кўркам дарё, сулув дарёсан.

Қўлларимда қоғоз ва қалам,  
Қўшиқ айтгум сенга деб мен ҳам,  
Эшитмайсан, чопасан илдам,  
Тулпор дарё, оҳу дарёсан.

## СЕВИШГАНЛАР ШАҲРИ

Қамалакдай товланади ранг,  
Нақшларда жимирлар зиё.  
Бағри унинг осмон каби кенг,  
Меҳри унинг ўйноқи дарё —  
Самарқанд бу!  
Фаҳрга тўлиб,  
Кўчасида кезиб юрибман.  
Чиройининг шайдоси бўлиб,  
Тошларига меҳрим берибман.  
Бу тошларда сеҳр бор азал,  
Азал ундан ошиқлар юрган.  
Ёза-ёза тошларга ғазал,  
Самарқандни ошиқлар қурган.

Алам ўртаб бағрин эса ҳам,  
Қутурса ҳам йиллар ғзаби,  
Бахт қасрини ёвлар бузса ҳам,  
Солиб элга дўзах азобин,  
Мағрур туриб дош берган шаҳар —  
Самарқанд бу!  
Муқаддас даргоҳ,  
Ғубори ҳам кўзга тўтиё.  
Унга қўнмай ўтмагай сайёҳ,  
Довруғига олам маҳлиё.  
Чунки, уни қалблар авайлаб,  
Қора кўзин ёши-ла ювган.  
Тупроғига меҳрин жойлаб,  
Самарқандни ошиқлар қурган.

Йўқ, бу асло ривоят эмас,  
Йўқ, бу асло эмасдир чўпчак.  
У мозийдан иноятдир, бас,  
Муҳаббатнинг парвози юксак.  
Уста йигит муҳаббати чин,

Ростдир унинг куйиб-ёнгани.  
Зулмат ичра чақнатиб яшин,  
Ростдир ишқнинг жилолангани.  
Ошиқ қалбни айлаган адо  
Замонанинг чексиз қаҳридир.  
Бибихоним юзидаги доғ  
Уста олган бўса муҳридир.  
Шунчамиди Темур ҳурмати,  
Йўқми эди унда оташ ё?  
Қандай етди уста журъати,  
Титраганда Темурдан дунё?  
Ё Темурнинг эрка хотини  
Юрагида ёндими ҳавас?  
Ерга уриб Темур отини,  
Ёв ҳам шуҳрат қозонган эмас!  
Тўқнаш келгач қалб ва замона,  
Ишқдир тахтга юзма-юз турган...  
Ўлимларни енгиб мардона,  
Самарқандни ошиқлар қурган.

Қўҳна шаҳар, о, қандай ҳашам,  
Шарқ саҳнида якка-ягона.  
Ҳар нақшида уфурар кўклам,  
Ишқ муждаси, азим кошона.  
Бибихоним термулар мафтун,  
Тошдан анқиб келар гул иси.  
Қалам қошда балқийди фусун,  
Дудоғида ўйнар кулгуси.  
Уста йигит қалби ўртанар,  
Ишқ ўтида қоврилар тани.  
Бино битгач, хоним бўсадан —  
Шод этмоқчи эди устани.  
Тунлар ишлаб чарчаганда у,  
Этди хоним ваъдасини ёд.  
Юрагида гул очиб орзу,  
Зўр кошона айлади бунёд.



Бўса истаб қимтинар лаби,  
Кўзларида олам баҳордир.  
Ишққа тўла фидойи қалби  
Дунёни ҳам қуришга қодир.

\* \* \*

Ҳамқадамдир севги ва бардош,  
Ошиқ умри ҳижронга асир.  
Юрак билан ҳиссиёт ёндош,  
Ёндош турар ақл ва тадбир.

Муҳаббатнинг олдида ожиз,  
Тадбир излар Бибиҳоним ҳам,  
Қирқта тухум келтирар каниз,  
Қирқта рангу, лекин бир хил таъм.

Йўқ, йўқ, бундай демоқлик гуноҳ,  
Муҳаббатда таъмлар яширин.  
Уста тутди иккита қадаҳ,  
Бири аччиқ, бириси ширин.

Бибиҳоним шунда мот бўлиб,  
Юзин тутди устага кулиб.  
Ошиқни ишқ ўтига ташлаб,  
Сўнгра ғойиб бўлди, вожаб!

Тошга берди уста меҳрини,  
Нақшларга сингдирди ишқин.  
Тошда кўриб севги нурини,  
Қуёшнинг ҳам келарди рашки.

Неча раста, неча уй қуриб,  
Самарқандга берди у сайқал.  
Дард ичида йиғлаб, ҳайқириб,  
Севгисига ўрнатди ~~хайқириб~~

Ишқ шаҳрининг қучоғи очиқ,  
Бағри оташ. Боладай тошиб,  
Кўчасида айтаман қўшиқ,  
Оёғимни куйдирар тоши.

Қайноқ ҳиссим ранглар оқими  
Ичра ўйнар. Қуш каби енгил  
Учар ўйлар. Қандай ёқимли  
Ишқ торида чертилса кўнгил.

Қўшиғимда устанинг мадҳи,  
Удир севги таронасида.  
Тошга тирик кўмилган бахти  
Амир Темур замонасида.

Шундан бери шуҳрати яшар,  
Нақшларда ҳаёти кўркем.  
Билсам ошиқ ўтган эканлар  
Бобосининг боболари ҳам.

Ишқ ўтида кул бўлиб бари,  
Деворларга хокини сурган.  
Фахр этинг, ошиқ дўстларим,  
Самарқандни ошиқлар қурган.

## КУЗГИ ДАРАХТ

Қирмиз уфқ ёнар қаршимда,  
Қаршимдадир куз аталмиш бахт.  
Қучоғида, бўшаб ҳосилдан,  
Нурдай порлаб турар бир дарахт.  
Чиройинга еллар берса тан,  
Қуллуқ айлаб силкитади бош.  
Худди кеча кўзи ёриган  
Она каби ҳорғин ва ювош.

\* \* \*

Йиллар ўтар,  
Тош ҳам қарийди.  
Эриб кетар асрий муз, қорлар.  
Ер ҳорийди, дарё ҳорийди,  
Қариб қолар ёш-ёш чинорлар.  
Шундай экан, ўксима кўнглим,  
Тулпорини тиндирарми вақт?  
Вақтдан ўзиб,  
Ғовларни енгиб,  
Омонликда қаримоқ ҳам бахт.

### ЯРМИ ҲАЗИЛ...

Овчи йўқни борга йўйиб юради,  
Қалтис сўқмоқларда тойиб юради.  
Одамлар ноз ила неъматга тўйса,  
Овчи ўз лофига тўйиб юради.

\* \* \*

Мусофир олдида юртини мақта,  
Тақвадор кишининг муртини мақта,  
Овчини мақтамоқ бўлсанг агар сен,  
Ўзини мақтама, итини мақта.

\* \* \*

Овчи топқир бўлса, тор изда овлар,  
Қумдами, тўқайда, отизда овлар.  
Овчи олим бўлса, фаразга мойил,  
Овчи шоир бўлса, оғизда овлар.

## МУҲАББАТ КЎЗАСИ

Тоғли бир қишлоқда муҳаббат кўзаси бор. Ундаги зилол сувдан ичган кишининг қалбида муҳаббат уйғо-нармиш.

Кўзага лаб тутар аёллар,  
Ёш йигитлар, мункиллоқ чоллар.  
Юрагида армони борлар,  
Ўз-ўзидан гумони борлар.  
Қалби пора бўлганлар ичар,  
Дили яра бўлганлар ичар,  
Томчилардан нажот изларлар,  
Муҳаббатли ҳаёт изларлар.  
Томчиларда ёлқин бормикан,  
Томчиларда тўлқин бормикан —  
Қирғоқлардан тошиб оққувчи,  
Кўнгилларга чироқ ёққувчи!  
Қуёш борми зилол томчида,  
Лаб томчида, хаёл томчида!  
Кўзадан сув тошар бетиним,  
Ёшу қари сипқоради жим.  
Севги дардин туймоқ истарлар,  
Севилмоқ ва суймоқ истарлар.  
Балки ўзни овутишмоқчи,  
Кимдир ҳазил учун ичмоқчи.  
Мен-чи, ичгум ташналигимдан,  
Ишқ дардига ошналимдан.  
Тутай десам, сирғалар томчи,  
Ариқчага йўрғалар томчи,  
Изларидан қараб қоламан.  
Қараб-қараб, ўйга толаман.  
Дейман: сеvgи туғилмас дилда  
Сув ичмаса кўнгил кўнгилдан!

## ЎТЛИ ҚУШИҚ

Севги таронаси янграйди серавж,  
Висол сурурини айлаб овоза.  
Иккита тор ичра шунчаларки мавж,  
Арзийди дарёлар олса андоза.  
Тинглаб, тонг саҳардан барг ёзди ғунча,  
Булбуллар ҳайратда қотдилар бир дам.  
Севги-ку эски дард, турғун тушунча,  
Қадим-қадимлардан кўнгилга ҳамдам.  
Шундандир куйлар ҳам, ўйлар ҳам ишқий,  
Ошиқлар муҳаббат номасин битар.  
Севги бу шундай бир ўтли қўшиққи,  
Ким куйлаб ўтади, ким тинглаб ўтар.

## ДИЛ ИЛТИЖОСИ

Гуллар яратдим сен учун кўнглим биносиди.  
Қўрмоқ умид этдим юзингни гул жилосиди.  
Боғбонки заҳмат истади, яратди гул, демак—  
Ҳуснин томоша айламоқ бор муддаосиди.  
Ишқ бирла гул яралди тенг заминда аввали,  
Гул тутди ошиқ ёрига ишқ ибтидосиди.  
Келгин бугун, дилбаргинам, гулзорга қўй  
қадам,  
Гуллар чўмилсинлар бари ҳуснинг зиёсиди.  
Ёзди Самандар шеър сенга, ёлборди, йўқ  
дема,  
Жону дилин сўровлари бор илтижосиди.

## ЭСЛА, БОҒБОН

Эслайсанми, эй, боғбон,  
Боғингда бўлдим меҳмон.  
Гул тутдинг, лекин ишон,  
Гулим шу ерда қолди,  
Дилим шу ерда қолди.

Кун эди бир сафоли,  
Саодатли, вафоли,  
Аммо менинг иболи  
Гулим шу ерда қолди,  
Дилим шу ерда қолди.

Ол, сеники шул, дединг,  
Ҳамроҳ бўлсин гул дединг,  
Ҳушим учди, билмадинг,  
Гулим шу ерда қолди,  
Дилим шу ерда қолди.

Қуллуқ марҳаматингга,  
Саховат, қимматингга,  
Ҳозирман хизматингга,  
Гулим шу ерда қолди,  
Дилим шу ерда қолди.

Келдим, боғбон, сарбасар,  
Хаёлимда ул сафсар,  
Зор айтадур Самандар:  
Гулим шу ерда қолди,  
Дилим шу ерда қолди.

## ИККИ ҚУШ

Эшитганинг йўқми, эй, санам,  
Қуш тилини қуш билар эмиш.  
Сайрашмоқни хуш кўрар эмиш  
Қушлар ғужғон бўлиб субҳидам.

Тонгни қутлаб янграмоқда най,  
Икки ёқда аммо иккимиз.  
Иккимизнинг, ахир, дилимиз  
Икки қуш-ку — сайрашмоққа шай.

Қуш тилини қуш билар эмиш...

## СЕВГИ КЎЧАСИ

Муҳаббат йўллари тордир.  
(Қўшиқдан)

Бу кўчага мен ҳам кирганман,  
Қоқинганман гоҳида мен ҳам.  
Гоҳ ғурур-ла куйлаб юрганман,  
Ишқ завқига тўлганда сийнам.  
Бир бўсанинг тоти билан маст  
Ҳаволаниб юрдим маҳлиё.  
Бу кўчада ҳатто хору хас  
Кўзларимга эди тўтиё.  
Нурдай балқиб қора кечада  
Ёр келганда, титраб ёнганман.  
Ёна-ёна шу тор кўчада,  
Кенг оламини топиб олганман.



## БАҲОР ОҚШОМЛАРИ

(Туркум)

\* \*  
\*

Гулдек кулар олам беозор,  
Гулдек атир сочади чўп ҳам.  
Чунки келмиш элимга баҳор,  
Чунки кулмиш дилимда кўклам.  
Симёғочда қушлар чуғ-чуғур,  
Бир-бирига сўйлайди эртак.  
Чунки боғда туғилмишдир нур,  
Юрагимда бўртмиш гулкуртак.

\* \*  
\*

Икки тундир сени кутаман,  
Икки тундир сен — айтар сўзим,  
Ҳар шарпага қулоқ тутаман,  
Ҳар нуқтага тикаман кўзим.  
Икки тундир бағрим бўлиб хун  
Сифат топдим ҳуснингга ўхшаш:  
Бу икки тун сочингдай узун,  
Бу икки тун қошингдай туташ.



\* \* \*

\*

То тонггача суҳбат қурдик биз,  
Едга олдик висол онларин.  
Орзулардан яйраб иккимиз,  
Эсладик ишқ хиёбонларин.  
Учмас унда биз қолдирган из,  
Гулларга ранг берар жамолинг.  
Сўзлашдик шу ҳақда иккимиз—  
Мен ва сенинг ширии хаёлинг.

\* \* \*

\*

Севаман. Борлигим тилсимда,  
Сўзимни саболар тингласин.  
Мен билан бирлашиб кулсин-да,  
Мен билан қўшилиб йиғласин.  
Се-ва-ман! Майлига эшитиб,  
Тоғ, дара ҳайратда қолсинлар.  
Сабою, тоғу тош кўплашиб  
Севгимни дилдорга айтсинлар.

\* \* \*

\*

Апрель. Сархуш, сармаст бир оқшом,  
Мен ўт эдим, сен олов эдинг.  
Севаман, деб мен ичсам қасам,  
Сен ҳам дилдан, севаман, дединг.  
Қанча кутдим шу битта сўзинг,  
Борми энди менда ҳам армон.  
Тонг отгач, ўз сўзингни ўзинг  
Унутма деб фақат қўрқаман.

\* \* \*

\*

Юрагингни муз деб билардим,  
Илимайди, дердим ҳеч қачон.  
Дилингда қиш қаҳрин кўрардим  
Кулганида юртда саратон.  
Қандай оташ бағрингда ёнди,  
Қайдин келди олов танангга!  
Мен не учун қувонмай энди  
Муз деганим бўлса аланга.

\* \*

\*

Мен ёмон эканман сенинг наздингда,  
Юзимга айтганинг учун ташаккур.  
Эрку ихтиёрим олиб ўзимдан,  
Мени ёмон қилган кўзингдаги нур.  
Юздаги холингдан мен ёмон бўлдим,  
Лабдаги жилвангдан ёмонман, ҳайҳот.  
Мен каби «ёмонлар» бўлганлар,  
билдим,  
Биттаси Мажнундир, биттаси Фарҳод.

\* \*

\*

Отавер, отавер таъна тошини,  
Ҳориб-толгунингча, тўйгунингча от.  
Аёллар қўлида бу тош отилиб,  
Авлоддан-авлодга ўтувчи бисот...  
Келдинг деб от уни, келмадинг деб от,  
Севдинг деб от уни, севмадинг деб от.  
Таънанг тошларига беради бардош  
Кипригинг ўқига чидаган бу бош.

\* \*  
\*

Икки тоифага бўлинмиш башар,  
Бор эрур яшашнинг икки маъноси.  
Бу дунё ичида икки дунё яшар:  
Ошиқлар  
Ва ишқсизлар дунёси.  
Биринчи дунёда тўрт фасл кўркам,  
Тўрт фасл одамнинг ишқдир ҳамдами.  
Сенинг ҳамдаминг не, билолмам ҳеч  
ҳам,  
Эй. иккинчи дунё одами?

\* \*  
\*

Ачинмайман аччиқ кунларга,  
Дилга ошно зилдай оғир дам.  
Ҳаёт борки, азал-азалдан  
Насибадир ошиққа ситам.  
Бошқа бўлар тоти севгининг,  
Суйилганлар, суйганлар билар,  
Аччиқ дамнинг ширинлигини  
Айрилиқда куйганлар билар.

\* \*

\*

Юпатаман кўнглимни гоҳи,  
Вақти йўқдир дейман келишга.  
Кунлар ўтиб ва сувлар оқиб,  
Ез келмаса, келар-да қишга...  
Келмади деб куймам армонда,  
Ҳижрон мени этолмас карахт.  
Унинг билан битта замонда,  
Бир заминда яшаш ўзи бахт.

\* \*

\*

Жилга куйлаганда сенмисан, дебман,  
Танбур куйлаганда сенмисан, дебман.  
Ўқдайин отилиб чиқибман боққа,  
Булбул сайраганда сенмисан, дебман.  
Ўтли хонишингга зор этдинг, ахир,  
Оёқ товушингга зор этдинг, ахир.  
Шунчалар зор этиш раъйинг бор экан,  
Не учун ўзингга ёр этдинг, ахир!

\* \*  
\*

Гоҳ кулиб ташлар нигоҳ,  
Ҳажрида ўртайди гоҳ.  
Гоҳ саҳар йўл пойладим,  
Гоҳи тун оҳ-войладим.  
Ҳам мени хон айлади,  
Ҳам мени қон айлади.  
Ўзи бир тинчгина қиз,  
Ўзи бир кичкина қиз.

\* \*  
\*

Сен тоғларга олиб келдинг нур,  
Тоғлар сенга қўшиқ бердилар.  
Сенга қоя осмоний ғурур  
Ва ўзининг ёшини тилар.  
Мен тоғларга сени деб келдим,  
Тоғлар менга ишқ бердилар.  
Менга қоя боқар-да, пок дил  
Ва ўзининг бардошин тилар.

\* \*  
\*

Мусаффордир бу кунлар борлиқ,  
Навбахорнинг қучоғи гардсиз.  
Майсаларда тирноқча доғ йўқ,  
Нурдай тоза лолаю ялпиз.  
Урмизда тоза бир даврон  
Гул очмоқда навбахор мисол.  
Севги боғи кулсин деб алвон,  
Қуртак ёзиб келмоқда висол.

\* \*  
\*

Хаёл ичра тун ўтиб борар,  
Ўйлайвериб сени толиқдим.  
Февраль куни, ёққанида қор,  
Қаёқданам сенга йўлиқдим.  
Ўша қорлар эриб битдилар,  
Униб чиқди қирларда майса.  
Сўрсам сени тоғда, дедилар,  
Оҳумисан ҳуркак ва қайсар?

\* \*  
\*

Сен менинг гунчамсан доғи йўқ,  
Оламини губорсиз кўрарсан.  
Эртага очилиб қувноқ, шўх,  
Муаттар бўйларга тўларсан.  
Ҳеч умид узмасман васлингдан,  
Сен менга туганмас орзусан.  
Сен тонгнинг бағрига беркинган,  
Ярақлаб чиққувчи ёғдусан.

\*  
\*       \*  
\*

Боғ тўрида битта гул бордир,  
Битта гулга дилим хумордир.  
Имо қилар менга лутф этиб,  
Кетолмайман ёнидан ўтиб.  
Ўтираман ёнида ҳар кеч,  
Жамолига тўёлмайман ҳеч.  
У сендайин кулиб туради,  
Ундан исинг келиб туради.

\*       \*  
\*

«Қариябсиз» дединг, вожаб,  
Ишонмадим. Қўзгуга боқдим.  
Не тонгки, ўз-ўзимга қараб,  
Шошиб қолдим лол бўлиб ақлим.  
Табиатнинг ишлари қизиқ,  
Кўп нарсалар ҳали жумбоқдир.  
Сенинг юзинг кундан-кун қизил,  
Менинг сочим кундан-кун оқдир.

\*       \*  
\*

Эй, дарё, сен шиддат билан оқ,  
Эй, тўлқин сен сапчи осмонга.  
Руҳим менинг мавжларга чанқоқ,  
Қалбим менинг ташна туғёнга.  
Ғалаён сол туйғуларимга,  
Қонларимни жунбушга келтир.  
Ҳижрондаги қайғуларимга  
Юпатгучи малҳам бўлиб кир.



\* \*  
\*

Тоғларнинг бошини туман босмоқда,  
Дилимни пармалаб гумон босмоқда.  
Севмайди, севмайди, севмайди, дейман,  
Севгининг қадрини билмайди, дейман.  
Тоғларнинг бошига шуъла энмоқда,  
Уйимда бир учқун порлаб келмоқда.  
Севади, севади, севади, дейман,  
На дилда гумону на тоғда туман.

\* \*  
\*

Мен қишлоқдан қайтмоқчи эдим,  
Отлангандим йўлга саҳардан,  
Лекин яна ушланиб қолдим,  
Қайтолмадим яна шаҳарга.  
Остонадан ҳатлай деганда,  
Рўпарамдан кулди-ю ногоҳ;  
Юз-кўзимга сачратиб ханда,  
Ушлаб қолди бир оташ нигоҳ.

\* \*  
\*

Яхши бир от бўлса, кенг бўлса адир,  
Уфқнинг этаги ловиллаб турса.  
Бир ёнда чаманлар уфуриб атр.  
Бир ёнда дарёлар шовиллаб турса.  
От кишнаб, ўйноқлаб турса депсиниб,  
Туёғи тошни ҳам ўйиб юборса.  
Эгарнинг олдига олсам-да сени,  
Отнинг тизгинини қўйиб юборсам.

\* \* \*

\*

Кулгинг жаранглади Чотқолда бехос,  
Дўппим тушиб кетди чўққига боқиб.  
Кимсасиз тоғларда чечаклар қийғос,  
Шалола қоядан тулар сув соғиб.  
Кулгинг қайдин келди мени лол айлаб,  
Жўштириб соғинчли туйғуларимни.  
Сен келиб-кетганда, Чотқол авайлаб,  
Сақлаб қолганми ё кулгуларингни?

\* \* \*

\*

Севги майда гапмас, қўйсанг-чи,  
Билгирлик ҳам эви билан-да.  
Энг муқаддас туйғулар жанги  
Тугён урса дилда ва танда,  
Тоза бўлар одам ғубордан,  
Севиб қолар оламини бутун.  
На ғарб, жануб, на шарқ, шимолда  
Уруш бўлмас мол-дунё учун.

\* \* \*

\*

Сизга бир гап бўлдими, дейсан,  
Била туриб атай сўрайсан.  
Кўзларингни кўрганда илк бор,  
Вужудимни тарк этди мадор.  
Бир гап бўлди менга ўшал он,  
Келолмайман ўзимга ҳамон.  
Қочди ҳушим, ушлаб бўлмади...  
Лекин сенга ҳеч гап бўлмади.



\* \*  
\*

Сўз тополмай ўтирардик жим,  
Борлиқ гўё қотмиш лолу гунг.  
Руҳимда бир маъюслик ҳоким,  
Кўзингда бир англаб бўлмас мунг.  
Шунда рақиб макридан инграб,  
Аллақайда эшилди танбур.  
Ғам-андуҳни қувди-да, сўнгра —  
Дилимизга олиб кирди нур.

\* \*  
\*

Мастонасан, кўзларинг сузук,  
Бир гапириб, ўн бор куласан.  
Ё янгича фитналар тузиб,  
Бир нағмани бошлаб келасан?  
Ишқилиб шу кулгинг рост бўлсин,  
Кўзларингга жоду сингдирма.  
Бир гапириб, ўн бор кул, лекин,  
Бир кулдириб, ўн бор куйдирма.

\* \*  
\*

Майингина эсар шабада,  
Сочларингни сийпалаб қочар.  
Кўм-кўк майса кулиб далада,  
Шамолларга бағрини очар.  
Шунда ўша беқарор еллар,  
Ўзин отар майсалар томон.  
Зум ўтмайин ёнингга келар,  
Қетганидан бўлиб пушаймон.

\*           \*

\*

Бу дам шаҳар ширин уйқуда,  
Эркин-эркин олади нафас.  
Нафас олар гуллар осуда,  
На бор шовқин, на бегона сас.  
Фақатгина, шу маъсум тонгда  
Юлдузларга изҳор айлаб роз,  
Жаранглайди сенинг ҳақингда  
Юрагимга яратилган соз.

\*           \*

\*

Офтобга қарасам, севгидан сўзлар,  
Қитобга қарасам, севгидан сўзлар.  
Қўзингга қарасам, севгидан сўзлар,  
Сўзингга қарасам, ҳаммаси ёлғон.  
Нозингга қарасам, фитнадан сўзлар,  
Созингга қарасам, фитнадан сўзлар,  
Лабингга қарасам, фитнадан сўзлар,  
Қалбингга қарасам, ҳаммаси ёлғон.

\* \*  
\*

Ҳаётда лаззат ҳам, ташвиш ҳам бисёр,  
Иккита қўл учун юмуш муҳайё,  
Қимгаки севилмоқ, севмоқ бахти ёр,  
Унга кенгдир олам, ёруғдир дунё.  
Менга бу оламда сенсиз роҳат йўқ,  
Сен боис йўлимда шуълалар сероб.  
Севги лаззатидан ортиқ лаззат йўқ...  
Севги азобидан йўқ ортиқ азоб!

\* \*  
\*

Муҳаббат юракда порлаган чироқ,  
Уни пуфлаш ила ўчириб бўлмас.  
Юракдан юракка кўчириб бўлмас,  
У ёнган маъвонинг тунлари ҳам оқ.  
Муҳаббат юракда туғилган наво,  
Уни буйруқ ила тўхтатиб бўлмас.  
Йиқитмоқ қасдида ўқ отиб бўлмас,  
У—тўсиқ нелигин билмас хуш сабо.



Ҳеч нарса керакмас ўзингдан бўлак,  
Фақат дийдорингга тўйиб юрсам бас.  
Менга фақат сенинг висолинг керак,  
Сенинг дийдорингсиз ўтган кун абас,  
Ёнимдан бир қадам кетма нарига,  
Бизга мунтазирдир боғу бўстонлар.  
Иккимиз муҳаббат гулшанларига—  
Сочган уруғлардан унсин райҳонлар.



Чақмоқ чатнар эди, порларди осмон,  
Сўнг, қаҳ-қаҳ урарди момогулдирак.  
Кўкни кузатардик иккимиз шодмон,  
Яна чақмоқ қўмсаб бизларнинг юрак.  
Қуллуқ айтар эдик табиатга биз,  
Юрак истагини этган-чун бажо.  
Энди чақмоқларга тўла қалбимиз,  
Бахтимиз самода берар акс-садо.

\* \*  
\*

Бугун, куз чоғида баҳорни эслаб,  
Сирли оқшомларга кетди хаёлим.  
Дилимни ларзага солар гунча лаб,  
Севги осмонида кулган ҳилолим.  
Баҳор шамолида юз очган севги  
Сенга интиқ ва лек, ҳуркакка ўхшар.  
Бошингдан дард-қувонч, бахт сочган севги  
Ўзи чиндир ва лек, эртакка ўхшар.





## ОЛИС НИДОЛАР

(баллада)

Кўздан олис гўша, кимсасиз орол.  
Унда Хоразмшоҳ инграйди беҳол.  
Енида ғимирлар қурту қумурсқа,  
Тунлар узун бунда ва кунлар қисқа.  
Дунё бир исканжа, қисар тўрт ёндан,  
Офат ёпирилар ердан, осмондан.  
Кўм-кўк дарахтлар сарғайиб қолмиш,  
Шудрингсиз майсалар мунғайиб қолмиш.  
Эмиш, макон тутган бунда маховлар,  
Шоҳнинг ваҳимадан мияси ғовлар.  
Тўда-тўда хунук одамлар гўё  
Устига бостириб келар беҳаё.  
Унга суйкайдилар қораларини,  
Мараз- маховлари, яраларини.  
Сесканиб кетар шоҳ, қочмоқчи бўлар,  
Қушга айланмоқчи, учмоқчи бўлар.  
Аммо айтганини қилмас оёғи,  
Қалтирар қўлида ҳасса — таёғи  
Унга сув тутади хизматкор бола,  
Шоҳнинг юрагидан отилар нола:  
Қўлимда бор эди давлатим менинг,  
Сақлашга етмади рағбатим менинг.  
Чингизнинг наъраси кесди дамимни,  
Жондан жудо этди гўё танимни.  
Мен унга юзма-юз келмадим, нечун,  
Олишиб майдонда ўлмадим, нечун?  
Нечун қочдим ундан юртимни ташлаб,  
Нечун келдим бунга кўзимни ёшлаб?  
Қўрқоқлик, қочоқлик қисматим менинг,  
Ёвларга ем бўлди давлатим менинг!..

Тўнкага суяниб, ўнглаб ўзини,  
Олисга тикар шоҳ нурсиз кўзини.

Кўрмас ҳеч нимани, ёнар юраги,  
Ўғлини бир кўрмоқ сўнгги тилаги.  
Унга юборгани хабар, келсин деб,  
Сўнгги нафасимда бирга бўлсин деб.  
Ҳануз дом-дараги йўқдир... Ва ё у—  
Аразлаб келмасму... Шубҳаю қайғу—  
Яна ханжар солар шоҳнинг жонига.  
Наҳот Жалолиддин келмас ёнига?  
Гарчи у ўғиллар ичида улуғ,  
Ақлу идрокка, куч-ғайратга тўлуғ,  
Гарчи у саркарда алпомишона,  
Илми ҳарб бобида гарчи ягона,  
Уни сақлар эди тож-тахтдан йироқ,  
Тахтга валиаҳддур кенжа Ўзлукшоҳ!  
Қутбиддин Ўзлукшоҳ ўғиллар аро  
Гарчи суюклидир, аммо на чора,  
Идроки ёруғмас, ўткирмас сўзи,  
Оқу қорани тез илғолмас кўзи.  
Жалолиддин бўлса... Нечун у келмас,  
Отасин йўлига зорлигин билмас?  
Шу пайт кишнади от—ўғлин тулпори,  
Отанинг фалакка етибди зори.  
...Ота ва ўғилнинг суҳбати илиқ,  
Ҳамда бир-бирига ҳурмати илиқ.  
Ўғлим, деди ота, азиз дилбандим,  
Икки қулоғинг-ла эшитгил пандим.  
Мен улуғ мамлакат бунёд айладим  
Ва уни мен ўзим барбод айладим.  
Чингиз қаршисида синиқди руҳим,  
Шу боис бошимдан ошди андуҳим.  
Авж олди саройда хусумат турли,  
Бузилди якдиллик, аҳиллик, бирлик,  
Бўрининг олдида бўлиндик, ўғлим,  
Таланиб қовундек тилиндик, ўғлим.  
Сен ёвга ташландинг шердек беомон,  
Лак-лак лашкарини айладинг яксон.

Дарёи Ҳинд гувоҳ матонатингга,  
Чингиз ҳасадланмиш жасоратингга.<sup>1</sup>  
Аммо ёғий ёвуз, тулкидек маккор,  
Жаҳонни тор-мор айлашга тайёр.  
Энди сен юзлангил, ўғлим, юрт сари,  
Гуноҳкор отангинг ёпиб айбларин...

Шундай деб ўғлига сўз қотиб нолон,  
Шоҳлик камарини ечди-да султон.  
Уни Жалолоддин илгига тутди.  
Сўнг ҳушдан айрилиб, ўзни унутди.  
Бу не ҳол, ўғил шоҳ, салтанати йўқ,  
Бу не бахт, лаззати, марҳамати йўқ?—  
Кўкка Жалолоддин нидо айлади,  
Ота ҳурматини бажо айлади.  
Кимсасиз оролга ташлади назар,  
Бўрилар увларди унда, алҳазар.  
Бўри увлар юртнинг тоғларида ҳам.  
Хўрланган, топталган боғларида ҳам.  
Шаҳру қишлоқларда изғир бўрилар.  
Яқин-йироқларда изғир бўрилар.  
Уларни даф этар кун бордир бироқ,  
Шунда озод бўлар, ҳур бўлар тупроқ...

Отасин қабрига боқади ўғил,  
Хаёл гирдобида оқади ўғил.  
Шоҳ замин-замонни титратиб, охир—  
Бегона юртларда бўлди мусофир.  
Шафқатсиз оролда таслим этиб жон,  
Бекафан ётибиди доврўқли султон.  
Султон ёвдан қочса, лашкар не қилур,  
У ёвга ташланса, хатар не қилур.

---

<sup>1</sup> 1221 йил, 25 ноябрь куни Ҳинд дарёси бўйидаги жангда Жалолоддин Чингизхон қўшинларига етказган талафотга ишора.

Қочоқлиқ доғлари ювган-ла кетмас,  
Дилларда яраси азоби битмас.  
Султонлик камари менга оғир юк,  
Алвидо, алвидо, падари бузрук!

Турар Жалолиддин хаёлга ботиб,  
Унга далда берар кишнаб оқ оти.  
Қора булут босди бирдан осмонни,  
Булут бошлаб келди селни, тўфонни.  
Зулмат бағрин тилди чақмоқ ханжари,  
Осмон ўкирарди йўлбарс сингари.  
Ёнар Жалолиддин қасос ўтида,  
Ёв қонлар тўкмоқда унинг юртида.  
У ростлаб қаддини, белини бойлаб,  
Ота пандларини дилига жойлаб,  
Онт ичиб бермоққа ёвнинг додини,  
Жанг-жадал қаърига бурди отини!..



# ДОСТОН



## ДАРЁ БЕҒАРАЗ (ЛЕНИН ХОРАЗМДА)

Ўзбекистон ССР ва Ўзкомпартия-  
нинг 60 йиллигига бағишлайман.

Муаллиф

### МУҚАДДИМА

Кам эмас дунёда мўъжиза, сеҳр,  
Тоғларнинг қошида энтикмас ким ҳам.  
Қаршингда турар бир салобат ахир,  
Кўзингни ҳайратга солар тош ҳашам.

Қоялар сумбати олдида инсон  
Мисоли суратдек танг қотар гоҳи.  
Ўзи ҳам чўққидек ўсар бегумон,  
Тоғларга тушганда инсон нигоҳи.

Кам эмас бу кўҳна дунёда сеҳр,  
Мўъжиза эмасми баҳру уммонлар.  
Қаршингда турар бир тароват, ахир,  
Солиб юрагингга ўтли туғёнлар.

Тўлқинлар шиддатли олдида инсон  
Ёруғ хаёлларга чўмади гоҳи,  
Ўзи ҳам тўлқиндек тошар бегумон,  
Дарёга тушганда инсон нигоҳи.

Кам эмас қадимий Хивада сеҳр,  
Мармар пьедестал узра яшар нур.  
Қаршингда турар бир синоат, ахир,  
Бу тирик Лениннинг сиймоси эрур.

Инқилоб даҳоси олдида инсон  
Юрак розларини очади гоҳи.  
Кечани, бугунни ўйлар бугумоң,  
Ленинга тушганда инсон нигоҳи.



## ТЎЛҚИНЛАР АРҒУМОҒИ

1924 йилда В. И. Ленин обидаси Ленинграддан Чоржўйгача темир йўлда, ундан Хоразмгача Амударё орқали кема билан келтирилди. Одамлар худди тирик Лениннинг ўзини қарши олаётгандай ҳаяжонда эдилар.

Тарихчи қайди.

Аму тўлқинлари бир-бирин қувиб,  
Изма-из, басма-бас чопишар қувноқ.  
Рангин шабнамларга юзини ювиб,  
Тўлқинлар ўйинин кузатар қирғоқ.  
Оғзидан кўпиклар сачратиб оппоқ  
Тўлқинлар тулпордек елиб боришар.  
Тизгинсиз оқимлар мисли арғумоқ,  
Елкасида Ленинни олиб боришар.  
Ильич қаршисида маъсум, осойиш  
Ястаниб ётибди иккала қирғоқ.  
Унга интиқлигин этиб намойиш,  
Йўлига кўз тутар қадимий тупроқ.  
Бу тупроқ тошқину ёнғинга гувоҳ,  
Зарра-заррасида ҳиди бор қоннинг.  
Унинг юрагидан узилган ҳар оҳ  
Утли нидосидир Ўзбекистоннинг.  
Ҳамиша бедордир аждодлар руҳи,  
Рўёдек кездилар йўлларда сарсон.  
Уларнинг кўзёши, алам-андуҳи  
Замин сийнасида армонлар ҳамон.  
Отларнинг туёғи тошлардан эмас,  
Одам суягидан сачратди учқун.  
Ўзбек дуторига қўл теккизсанг, бас,  
Кечмиш ситамлардан сўйлайди маҳзун,  
Жайҳунда сув бўлиб оққанида қон,



Балиқчи қушларнинг куймиш қаноти.  
Қонга тўш урмоқдан қочиб бир замон,  
Дарёдан ҳатламиш суворий оти...  
Бугун лойқа сувнинг тиниқмиш юзи,  
Мавжларни қучмишлар баҳорий еллар.  
Бугун ҳаяжонда Амунинг ўзи,  
Ленинни бошига кўтариб келар.

## КЕМАДА ОЧИЛГАН ГУЛ

Кема узра турфа муаттар бўйлар  
Сузиб юрадилар кўзлардан ниҳон.  
Гулларнинг атри бу, кемачи ўйлар,  
Атри бинафшадир ва атри райҳон.  
Тинмагур сабога бўлсин раҳматлар,  
Боғлардан бўй йиғмоқ эрур пешаси.  
Инсоннинг бошидан атирлар сочар,  
Жоннинг оромидир нозик ишваси.  
Гулнинг шайдосидир бизнинг кемачи,  
Бир парча ери бор—бошдан-оёқ гул.  
Гул севги, садоқат, иқболга элчи,  
Хоразм кўп яхши, камдир бироқ гул.  
Аммо дарё ичра кемада доим  
Гул бўлар бир боғлам ё икки боғлам.  
Кемачи ўзи ҳам гулдек мулоғим,  
Озода, ораста, оқкўнгил одам.  
Кемада, Лениннинг пойида бугун  
Даста-даста гуллар ётар очилиб.  
Кемачи гулларнинг бўйига мафтун,  
Бир бўйки, оламга кетмиш сочилиб.  
Дарёда сув эмас, атир оққандай,  
Кемада гул эмас, бор худди гулзор.  
Гўзал, о нақадар,  
Яхши, о, қандай,  
Боқиб кемачига шод бўлар меъмор.

У Ленин шаҳридан Лениннинг ўзин  
Бошлаб келаётир Хоразм сари.  
Хўдди кўкдан олиб иқбол юлдузин,  
Ерга қайтаётган лочин сингари.  
Қанот бойлаб борар,  
Парвоз-ла борар  
Она юрт бағрига, шаҳри азимга.  
Хивада қурди у гумбаз, минора,  
Энди олиб борар нур Хоразмга.  
Кема сузиб борар тўлқинни ёриб,  
Милт-милт ёниб турар доим чой ўчоқ.  
Кемачи ўртага дастурхон ёяр  
Меъмор жуян<sup>1</sup> кўмач таёрлаган чоқ.  
Кемада яна бир киши бор бошқа,  
Кемачи, меъморга нотаниш мутлоқ.  
На гулга боқадди, на сув, қуёшга,  
Кемада ким борар, қаёққа—бефарқ...  
Адашиб қолганда қумда карвондан,  
Кемага олдилар айлаб мурувват.  
Серҳадик чеҳраси сирли-гумонли,  
Сўзлари ғалатдир,  
Кўзлари ғалат.  
Қўшқўллаб кемачи унга нон тутди,  
Кемага тушганининг жони бир, ошно.  
Ҳовва, дерди меъмор, ҳалим, меҳрибон,  
Қовоғин очмасди йўловчи аммо.  
Кўнгил ойнаседир инсоннинг юзи,  
Қалб деган маъвода бўлмайдди нелар.  
Дарё беғараздир,  
Амунинг ўзи  
Ленинни бошига кўтариб келар.

---

<sup>1</sup> Жуян — жўхори.

## ЖОН АТО АЙЛАДИ ҚУШЧАГА ТҮЛҚИН

Тўлқин навосига бўлиб жўровоз,  
Қўшиқ эшитилар йироқ-йироқдан.  
Қалблар торин чертиб бир ўтли овоз,  
Гўё булбул бўлиб учмиш қирғоқдан.  
Гоҳо олисларда бўлади ғойиб,  
Гоҳо чир айланиб, сайраб жўшар у,  
Гоҳо тўлқинларга тўшини қўйиб,  
Гоҳо булутларга қўниб тушар у.  
Кемада ёнбошлаб тинглайди Ильич,  
Қўшиқ ишғол этар доҳий ўйларин.  
Кулгудир, қайғудир, орзудир севинч—  
Кўҳна Хоразмнинг дилбар куйлари.  
Куй бўлиб туғилди бу кўҳна диёр,  
Жо бўлди қалбларга, юрак қатига.  
Сўнгра юраклардан туғилди такрор,  
Айланди умрлар тароватига.  
Қўшиқ қанот қоқар тўлқинлар узра,  
Оппоқ қуш талпиниб борар уфққа.  
Кема Хива сари жаҳд-жадал сузар,  
Ильич қулоқ тутиб борар қўшиққа.  
Қайсидир даврада куйлайди аёл,  
Оламни эш этмоқ бўлар созига.  
Навқирон бахтидан сўйлайди аёл,  
Мунаввар саболар жўр овозига.  
Оппоқ қуш талпиниб борар уфққа,  
Қирмиз гулшанларга етай дер тезроқ.  
Кимдир уни тутди ногаҳон ўққа,  
Йиқилма, оқ қушча,  
Қанотларинг қоқ!  
Бир қалқиб тушди-да, қушча ўзини—  
Тўлқиннинг устига ташлади сўлғин.  
Асов мавж бағрида очди кўзини,  
Жон ато айлади қушчага тўлқин...

Яна отилди ўқ, узилди қўшиқ,  
Куйчи ул жувоннинг тинди овози.  
Кулга дўндими чўғ, қон қусдими ишқ,  
Айни авж пардада синдими сози?  
Соҳилни кузатар кемачи синчков,  
Йўловчи жилмайди севишиб илк бор.  
Дилдаги армони бўлиб худ олов,  
Борлигин куйдирар, уф тортар меъмор.

## **ГУРУНГ**

### **Меъмор:**

Аёл қўшиқ айтса, худди бир ёнғин—  
Ўрлаб кела бошлар жони-танымга.  
Жиз-жиз куйганини сезиб турибман  
Юрагим, бағримнинг жон томирларин.  
Ёшлигим тушади ёдимга яна,  
Ярам янгиланар.

### **Ильич:**

Бир сизми шундай...  
Ҳар қалбнинг ўти бор, пинҳона дарди.  
Яхши қўшиқ уни ковлар, ёндирар.  
Нега тинди экан аёл овози,  
Наҳот ваҳший ўққа?

### **Кемачи:**

Сийқа чақалик  
Қадри қолмади-да одам жонининг.  
Қандай куйлаётган эди-я...

### **Меъмор:**

Афсус,  
Афсус, демоқликдан ўзга чора йўқ.

### **Ильич:**

Нега фақат афсус, нега йўқ чора?

### **Кемачи:**

Владимир Ильич, меъмор сўзига  
Асло ҳайрон бўлманг.  
Унинг руҳини—  
Айни парвоз чоғи қийратганлар-да.  
Покиза ишқини хўрлаб ва топтаб,  
Пайҳон айлаганлар умр боғини...  
Ўзи айта қолсин энди буёғин.

### **Меъмор:**

Борсангиз кўрасиз, Ичон қалъада  
Гумбазу минорлар, мадрасалар кўп.  
Хонлар амри билан қурмиш уларни  
Хивалик меъморлар—асл одамлар.  
Улар орасида Абдулла меъмор,  
Яъни менинг азиз устозим илми,  
Ақлу заковати эди бошқача.  
У зот оддий тошни ялтиратмоқни,  
Шуълани нақшга жо айламоқни  
Ҳаммадан яхшироқ билар эдилар.

Хуллас, биз мадраса қурмоқда эдик,  
Кўнгли чоғ эди кўп пири устознинг.  
Менинг ишимдан ҳам хурсанд эдилар,  
У пайтда кўп ёруғ эди юрагим.  
Севиб қолган эдим устознинг қизи  
Малика бибини жон-дилим билан,  
У қўшиқ айтарди жуда мулойим.

### Иўловчи:

Устоз—падар демак.  
Унинг қизига—  
Кўнгил қўймоқ ўзи кони гуноҳдир.

### Меъмор:

Гуноҳ не, савоб не, биздан яхшироқ —  
Билардилар устоз.  
Бибини сенга—  
Бераман деб айтган эдилар очиқ.  
Шундай куйлар эдики Малика биби,  
Бизнинг қўлимизда турган тошлар ҳам  
Қалқиб кетар эди жон топиб создан.  
Қайта тириларди сўлиган гуллар.  
Мен эса дунёни оҳанг ичида,  
Турли ранглар аро, жилвалар аро—  
Кўрдиму, дил-дилдан севдим.

### Иўловчи:

Дунёними?

### Меъмор:

Ҳа-ҳа, дунёни, чексиз коинотни,  
Сайёраларни, юртлар, одамларни,  
Барини бир тоза муҳаббат билан  
Севиб қолган эдим. Бари гўё менга—  
Айтарди қўшиқ...

### Иўловчи:

Тош-пошлар ҳамми?

**Меъмор:**

Ҳатто кесаклар ҳам, хору хаслар ҳам.

**Иўловчи:**

Ё қудратингдан!..

**Кемачи:**

Қир қошиқ бўлиб,  
Ошга тикаверма бурунни, ошна.  
Ошиқнинг кўзи ҳам, қулоқлари ҳам  
Сену меникидан бошқача бўлар.  
Бошқача кўради ерни, осмонни,  
Бошқача эшитар сўзни, қўшиқни.

**Ильич:**

Севги тарихининг давомин айтинг.

**Меъмор:**

Малика қўшиғи, унинг шўх сози  
Ҳуснин овозаси саройга етмиш  
Ва Исфандиёр...

**Кемачи:**

Малика рад этди  
Хоннинг ҳукминию, тожу тахтини.

**Ильич:**

Довюрак қиз экан.

### **Кемачи:**

Афсус, минг афсус,  
Тажовуз айлагач номусига хон,  
Боёқиш ўзини ўзи ўлдирди.

### **Ильич:**

Аттанг!  
Қандай оғир фожеа, даҳшат...  
Фақатмаҳбубанинг ўзигинамас,  
Сўнди демак, ахир, санъат юлдузи.  
У қанча дилларни айларди хушнуд,  
Кўҳна Хоразмнинг дилбар созлари  
Унинг овози-ла балки оламга  
Эзгулик нуридек ёйилар эди.  
Эҳ, аттанг!

### **Меъмор:**

Шундан сўнг уста Абдулла  
Қизин ўлимига беролмай бардош,  
Ўзи бунёд этган минор устидан  
Ерга отди ўзин, жон таслим этди.

### **Ильич:**

Оламдан ўтибди икки буюк жон,  
Ота ила фарзанд, улуғ бир меъмор  
Ва бир ғунча ижод. Улар халқ учун  
Тоза ҳаво каби зарур эдилар.

### **Кемачи:**

Шундан кейин бизнинг мана бу меъмор  
Ишидан воз кечди...



Қаср, кошона —  
Қурмайман ҳеч қачон дея онт ичди,  
Онт ичди умрбод танҳо ўтишга.

**Ильич:**

Бу энди чаккидир.

**Кемачи:**

Баракалло, Ильич,  
Айни дилимдаги гапни айтдингиз.  
Шу жойда тўхтади дилёра гурунг,  
Яна қўшиқ айтди олисда аёл.  
Юзлари ёришиб кетди меъморнинг,  
Қўшиқ ва ишқ қайта қуришди висол.  
Яна пайдо бўлди кўкда оппоқ қуш,  
Яна кийди қизил кўйлагин уфқ.  
Аёл булбул каби айларди хониш,  
Тўлқинни рақсга чорларди қўшиқ.

### **ТУҒИЛИШ**

Осмон ҳар кунгидан тиниқроқ бугун,  
Бугун у порлаган шуъла океани.  
Бугун заминнинг-да чеҳраси гулгун,  
Гулга ўхшаб кетар чақир тикани.  
Бугун Қорақумнинг тафти бир олов,  
Бир ҳовуч олтиндир гўё зарраси.  
Янги келинчакдай безанмиш яйлов,  
Ҳилпира гуллола—алвон дурраси.  
Бугун оташнигоҳ раққосалардай  
Оламни тўлдириб чайқалар гуллар.  
Бугун ҳар бир жилға—жаранглаган най,  
Навога ҳамоҳанг чопқилар еллар.  
Еллар қанотида учар хушхабар,

Гурс-гурс урар тинглаган юрак.  
Хабарки, нур тезлигида тарқалар,  
Ҳар кулбага нур элтар демак.  
Воҳада эркнинг ноғарасин чалиб,  
Акс-садо бериб янгради саси:  
— Туғилди бахт бўлиб, саодат бўлиб,  
Ўзбекистон

Совет

Социалистик

Республикаси!

Олқишлар янграйди Аму бўйида,  
Кўкрак қафасида потирлар севиңч.  
Кемада кепкасин олиб қўлига,  
Элга қуллуқ қилиб боради Ильич.

Машъал ёғдусида ўйнарди дорбоз,  
Алвон сарупоси машъалдай порлаб.  
Гармонин янгратар Матпано созчи,  
Ҳофизлар қўлида сайрайди торлар.  
Тўйда чақалоқнинг «инга-инга»син  
Дўстлар тинглайдилар янгроқи куйдек.  
Бир зумга тўхтатиб доҳий кемасин,  
Бахтиёр Онани айлайди табрик.  
Сўнг ўйчан боқади Она юзига,  
Кечмиш сўқмоқларга бошлар хаёли.  
Балки кўрингандир унинг кўзига  
Кўҳна шарқ замини — тутқун бир толе.  
Онадир Хоразм буюк зотларга,  
Уларга кўз берди,  
Дил берди равшан.  
Қалит топиб улар мушкулотларга,  
Учқундан ярата олдилар гулхан.  
«Авесто» дилларга солганда оташ,  
Ҳали қуёш ўзи навқирон эди.

Хурразам<sup>1</sup> қўшиғи оловдек яккаш,  
Чўғидан саҳролар чароғон эди.  
Олий қасрларда «Муҳаббатнома»  
Қўлдан-қўлга ўтиб ўқилган маҳал,  
Куррада яшамоқ эди ҳангома,  
Зако ухлар эди оламда танбал,  
Муаззам бир даҳо ал-жабр аро  
Нур бўлиб оламга таралган онда,  
Ҳали одам зоти ўзи садпора,  
Жаҳон излар эди мудроқ жаҳонда.  
Уғлин<sup>2</sup> жўнатаркан Бағдодга Она,  
Хаёли ҳам равшан, ҳам эди ҳазин.  
Фақат тиришди-ю очик пешона,  
Кашф этди Бағдодга етгудек ажин.  
Беруний хаёли уфқлар оша  
Мавҳум қитъаларни кашф этган чоқда,  
Онларни ҳайратдан лол этган ўша  
Колумб зарра эди ҳали тупроқда.  
Она жўнатаркан Ғазнага ўглин,  
Қараб қолди унга беун, бесадо.  
Фақат манглайига тушди бир ажин,  
Уғлин изларини этди унга жо.  
Ажал уруғларин сочиб Чингизхон,  
Хоразм бошига солганда кулфат;  
Жалолиддин кўксин айлади қалқон,  
Баногоҳ қанотин синдирди офат.  
Уғлин кузатаркан сўнгсиз бир йўлга,  
Она оқ сутига берди ризолик.  
Яна манглайига бир ажин қўнди,  
Ўша ажин аро азим руҳ тирик.  
Зулмат пардасига ўраб осмонни,  
Қонлар ёғдирганда заминга булут;  
Ёритиб қоронғи, мажруҳ жаҳонни,

---

<sup>1</sup> Хурразам — Хоразмнинг илк номи.

<sup>2</sup> Ал-Хоразмий кўзда тутилмоқда.

Зако нурин ёйди Паҳлавон Маҳмуд.  
Она ўз ўғлини йўллаб Ҳинд сари,  
Дуога қўл очиб қоларкан маҳзун;  
Кўпайди ногоҳон сочин оқлари,  
Айрилиқ ўтлари куйдирди кўксин.  
Эш бўлиб Ҳинд ила Паҳлавон Маҳмуд,  
Дўстлик ипларини бойлаган асно;  
Она ҳаяжони билмади ҳудуд,  
Бошида ситамлар кўп эди аммо.  
Онадир Хоразм буюк зотларга,  
Уларга кўз берди, дил берди ёруғ.  
Уларнинг руҳлари эшдир ўтларга,  
Заминнинг кўксида излари қутлуғ.  
Онанинг қўлида бугун чақалоқ  
Қуёшга талпинар кўзларин очиб.  
Эҳтимол, юлдузга бўлар у ўртоқ,  
Эҳтимол, қуёшга етар қулочи.  
Келиб оқсоқоллар Ленин қошига,  
Сўрдилар болага қўйгил дея от.  
Ленин чақалоқнинг силаб бошини,  
Озод бўлсин деди,  
Бўлсин чин Озод.  
Озодлик бу элнинг асрий тилаги,  
Кўзидаги мунгда яшар бу орзу.  
Эзилган, хўрланган юрагидаги  
Орзуни ҳамиша кемирди қайғу.  
Шояд озод бўлса...  
Кўзлари шояд—  
Шуълага фарқ бўлса, ёшлари кетиб.  
Булут ташламаса устига соя,  
Кўнглида гул унса, тошлари кетиб.  
Қуёш кириб келар она дилига,  
Оппоқ қушлар унда қура бошлар ин.  
Кулиб, кепкасини олиб қўлига,  
Она-бола бахтин қутлайди Ленин.

## МАНЗАРА

Тим қора зулфини йиғиб олди тун,  
Саҳарни олқишлаб, Аму урди бонг,  
Кашф этиб жилвани, нилий бир ҳусн,  
Бахтидан қувониб, жилмаярди тонг.  
Қуёш ёниб турди бугун ётоғдан,  
Ўзини ундади: Аму сари шош!  
Кўрди: Порлаб турар дарё бағрида  
Ўзидан минг карра нурлироқ қуёш.  
Тушиб куни бўйи қувонч, ҳаяжонга,  
Ловуллаб ёнди-да, чарчаб ботди у.  
Ҳамон жило бериб еру осмонга,  
Аму қучоғида порларди ёғду...

Саф-саф тизилгандир дарё лабида  
Кўҳна Хоразмнинг зангор гужумлари.  
Уларни етилтирди чиниқтириб зарбида  
Бевош тўлқинларнинг беаёв ҳужумлари.  
Тўлқин емирай деб урганда ҳар гал  
Заминни қучдилар тағин маҳкамроқ.  
Қутуриб тўрт ёқдан бўғганида ажал,  
Омон сақлаб қолди уларни тупроқ.  
Шу тупроқ бағрида илдизлари қат-қат,  
Демак баргларида ҳаёт бор мангу.  
Гужумлар дарёга роз айтар фақат,  
Тинглайди, англайди, инграйди Аму.

## ЯНА ГУРУНГ

Қирғоқда тепалик,  
Тепаликда мозор.  
Тўронғи аскардай қўриқлар уни.  
Абадий уйқуни сокин, беозор,  
Абадий аллалар дарё тўлқини.  
Кемачи боқади тўронғизорга,  
Қонли ёш қоплайди ғамли кўзини.  
Кеманинг бошини бурар мозорга,  
Қирғоққа отади бўзлаб ўзини.

### Меъмор:

Узингни бос, дўстим,  
Қим ҳам зор йиғлаб,  
Тузата олибди дунёнинг ишин?  
Қодир бўлса эди агар кўз ёши  
Ўлган одамларни тирилтирмоққа,  
Хотинлар кўзидан оққан ёшлардан  
Нариги дунёда қолмасди ҳеч ким.  
Сенинг дўстинг, ахир, кўз ёшигамас,  
Фахру ифтихорга, санога лойиқ.

### Кемачи:

Бир олам орзу бор эди дилида,  
Яхшилик нурлари билан элини,  
Элдошлар қалбини ёритмоқликка  
Ўзини бахшида этган эди у.  
Бир келиб кетди-да...  
Худди чақмоқдай.

### Меъмор:

Шундайлар ҳаётда кўпроқ туғилиб,  
Кўпроқ яшамоғи керак, азизим.  
Владимир Ильич,  
Сиз нима дейсиз?

## Ильич:

Яхшилар дунёга кўп келар асли,  
Кўз очиб кўрарлар қуёш, юлдузни,  
Сувни ва гулларни, турфа қушларни.  
Ҳаёт ҳам қуёшли, умр ҳам нурли,  
Худди сувдай тиниқ, гулдай беғубор,  
Юлдуздай жилвали, қуш каби эркин—  
Бўлмоғи бир содда ҳақиқат янглиғ—  
Ўрнашар уларнинг ақлу, қалбига!  
Яъни куртак очар дилда эзгулик,  
Шу куртак бағрига жо бўлар меҳр,  
Адолат ва инсоф, жами яхшилик.  
Кейин дуч келарлар риё аталмиш  
Сассиқ бир балчиққа...  
Унда чўкқувчи  
Бегуноҳ одамлар оҳу зорини—  
Эшитгач, улар бу дунёда инсоф,  
Имондан бўлак кин, разолат, макр,  
Ҳасад ила иғво чиркин дилларда—  
Уя қурганию, тинмай болалаб  
Ғуж-ғуж кўпайганин кўриб қоларлар.  
Ана шу нуқтадан бошланур нурнинг  
Зулмат тигларига қарши ҳужуми...  
Ва бу кураш асло қурбонсиз бўлмас!

## Кемачи:

У менга дўст эди десам, бу камдир,  
У менинг жигарим, юрагим эди,  
У ўлди мени деб...  
Унинг ўрнига  
Мен ўлсам кошкийди, эҳ, фалак, фалак!

## Йўловчи:

Қизиқ бўлар экан одамнинг феъли,  
Тил учи гўё у рози ўлимга.  
Ва лекин...  
Дарвоқе бизнинг қишлоқда  
Шунга ўхшаш бир ҳол рўй берди, қаранг.  
Икки дўст яшарди кўп апоқ-чапоқ,  
Орадан қил ўтмас эди хулласи.  
Таппа касал бўлди улардан бири,  
Улим тўшагида жон берар экан,  
Унинг дўсти йиғлаб бундай дер эди:  
—Азроил, олмагил унинг жонини,  
Агар сенга ўзи жон керак бўлса,  
Менинг жонимни ол,  
Мана, мен тайёр!  
Қўшни чол, Афандинамо бир кимса  
Унинг ноласини эшитибди-да,  
Азроил шаклида келиб сўрабди:  
—Ким касал, ким мени чақирди бунда?  
Шунда йиғлаётган дўст бирдан тинчиб,  
Улим тўшагида ётган дўстини  
Кўрсатиб таъзим-ла гапирган экан:  
—Азроил, сен ўзинг кўриб турибсан  
Бунда ким касалдир ва ким соппа-соғ...

## Кемачи:

Сўзингиз ғалати. Сизнинг қишлоқда  
Балки шундай бўлган.  
Лекин бу билан—  
Инсоннинг инсонга бўлган дўстлиги,  
Қуёш нурларидек тоза меҳрига  
Соя ташламоққа уринмоқ уят...



## Меъмор:

Сен дўстим, ўкинма.  
Афсус, ҳаётда—  
Одамлар учрайди мараздай чиркин.  
Уларни одам деб атамоқликка  
Ҳазар қилади тил.  
Бизнинг йўловчи —  
Шундай тоифага мансуб, чамаси.  
Яхшиси, сўйлаб бер дўстинг ҳақида.

## Йўловчи: (Ўз-Ўзига)

Сен мени мараз деб атадинг, меъмор,  
Шу сўзинг учун мен тилингни кесиб,  
Итларга ташларман, ҳали кўрарсан.  
Мараз деб санларни атаса бўлар,  
Бировлар ерига, уйи-мулкига,  
Молу дунёсига эгалик қилмоқ  
Ва яна уларнинг устидан кулмоқ  
Беҳаё одамлар иши эмасми?  
Қандайин кенг ерим, мулким бор эди,  
Барига сенларга ўхшаган гадой,  
Беному беобрўй йўқсуллар бугун  
Хўжайин эрурлар.  
Мен-чи, саргардон,  
Юпун бир йўловчи қиёфасида  
Бикиниб юрмоққа мажбур одамман.

## Кемачи:

Солибой таърифин эшитгандирсиз,  
Отнинг қашқасидай маълум зот эди.  
Дўкони кўп эди.  
Бутун бир даҳа

Соли савдогарнинг растаси эди.  
Тиллашар эди чет боёнлар билан,  
Хешлари кўп эди Оренбург ёқда.  
Игнадан тортиб то жавҳарга қадар  
Топиб келтиртирар эди олисдан.  
Биз унинг молини таширдик доим,  
Дарёда кечарди умримиз шундан.  
Чоржўй ва Урганчнинг оралиғида  
Қатновдан тинмасди сира кемамиз.  
Биласиз, бу дарё танти, бевошдир,  
Гоҳ ювош оқади сени аллалаб,  
Гоҳ тортиб кетади сени қаърига.  
Кўрасиз, олдинда бор хавфли кечув,  
Дарёнинг энг қалтис бурилиш жойи.  
Шу ерда сал эсни йўқотсанг борми,  
Қирғоққа урилиб, бўласан нобуд.  
У ерда сув жуда гувиллаб оқар,  
Кемани тортқилаб, елдек учириб,  
Ямлаб ютайин дер асов тўлқинлар.  
Шу ваядан кеманинг ушлаб жилловин,  
Қирғоқда салдовчи йигитлар ҳар гал  
Ҳай-ҳайлаб борарлар телба оқимга.  
Бежиз айтмаганлар Ажалқия деб,  
Қанча кемаларни чилпарчин этиб,  
Томошасин кўрган қадим қия-да...

### Меъмор:

У ҳақда оз эмас элда ривоят,  
Эмиш Ажалқия устида доим  
Турармиш кўз кўрмас адл ҳаками.  
Магар кемачи ё йўловчи аро  
Бўлса ёқаси кир, нопок бир кимса  
Кемага урармиш унинг бор нуқси,  
Шундай жазолармиш адл ҳаками.  
Шу ваядан тарк этмас кемачи зоти  
Ажалқия олди таҳоратини.

## Иўловчи:

Бунда сиз айтгандан кенгроқдир маъни,  
Поклик ўлчанарми таҳорат билан.  
Қим биров ҳақиға хиёнат этса,  
Кўзин олайгирса ўзга молиға,  
Халқни босқиласа,  
Ўз юрти қолиб,  
Бошқалар ериға хўжайин бўлмоқ—  
Хаёлида келса, уни жазолар  
Адл ҳақами шу Ажалқияда.

## Меъмор:

Сизға ким қўйибди поклик ҳақида  
Сафсата сотмоқни?

## Иўловчи:

(ўз-ўзига)

Кўп яхши бўлди  
Ажалқия ҳақида сўз очилгани.  
Энди топшириқни бажо қилсаму,  
Мана бу ҳайкални Ажалқияда  
Гумдон қила олсам, меники омад.  
Сўнгра сўз кетади халойиқ ичра  
Нияти бад экан дея Лениннинг...

## Кемачи:

У куни қоп-қора куяға ўхшаб  
Қоплаб олган эди осмонни булут,  
Дарё минган эди роса жаҳлиға,  
Тўлқинлар безовта ғалаён каби  
Жунбушға келганди ҳаддига сизмай.  
Домиға тортай дер эди гирдоблар,

Нияти шум эди Ажалқиянинг.  
Руҳимда ҳеч қачон бўлмаган бир гард—  
Тушқунлик сояси эди кўп қуюқ.  
Далда берар эди Мурод кўнглимга,  
Синиқ туйғуларни ямай дер эди.  
Салдовчи йигитлар қирғоқ ёқалаб,  
Кема орқасига боғлаб арқонлар  
Бандини ўн жойдан бойлаб қўлларга,  
Тиришар эдилар кема шаштини  
Жилла бўлса ҳамки секинлатмоққа.  
Оқим ўз қаърига олиб кемани,  
Ажалқия сари борарди суриб.  
Бу ўйин тугади фожеа билан,  
Қия тошларига урилди кема.  
Бирпасда чилпарчин бўлди ҳаммаси —  
Кема, кемадаги сандиқ-сандиқ юк.  
Бир нарса қарс этиб синди ва шу дам  
Бориб тушганимни биламан сувга...  
Ва элас эслайман менинг елкамдан  
Маҳкам ушлаб олган Мурод қўлларин.  
Кўзим очсам, дарё ёқасидаги  
Балчиқда ётибман,  
Ҳаммаёқ жимжит.  
Дарё оқар сокин, нур сочар қуёш,  
Гўё юз бермаган бунда фалокат.  
Шундоқ ёнгинамда қора балчиққа  
Кўксин берганча ётарди Мурод.  
Мен уни уйғотмоқ бўлдим аввали,  
Қўрсамки, водариф...  
Ажал қўлидан—  
Мени олибдию, ўзининг жонин  
Унга топширибди.  
Мени деб... Ҳайҳот!  
Сўз қотай десам, чор-атрофда жон йўқ,  
Елкамга олай-да уни Урганчга—  
Қараб юрай десам беҳол оёғим.

Тун бўйи тирманиб, саҳарга яқин  
Мана шу тепага олиб келдим-да,  
Тўронғи тагига дафн этдим уни.

### **Меъмор:**

Ётган жойи унинг ёруғ бўлғай. Қўй,  
Йиғлама, ҳамманинг кўнглини бузма.

### **Кемачи:**

Қимсасиз, сўққабош бир йигит эди,  
Пок орзу-ўйлари кўп эди... Ваҳ-ей!  
Мени деб барчаси айланди кулга.

### **Ильич:**

Мурод орзулари...  
Покиза ўйлар!  
Агар мумкин бўлса, шулар ҳақида  
Икки оғиз бизга айтиб берсангиз.

### **Кемачи:**

Сувчи ўтган унинг ота-бобоси,  
Мироблик қилганлар бойлар ерида.  
Бизда қазув деган мушкул юмуш бор,  
Ҳар йил қазимасанг ариқ- солмани,  
Бекилиб қолади буткул сув йўли.  
Шу важдан кеч кузак бутун халойиқ  
Каналлар бўйига чиқади кўчиб,  
Қўл билан қазилар бари ариқлар.  
Инқилоб бўлмасдан аввал-ку бу иш  
Гарданида эди камбағал халқнинг.  
Муроднинг отаси қазув чоғида  
Бетобланиб қолган, кўргулик-да, а?  
Ишонмай бой унинг бетоблигига  
Дарҳол ташлатибди зиндонга, қаранг.  
Қасални даволаш ўрнига уриб,

Улдириб қўйганлар нокаслар, хуллас,  
Ушанда бешикда бўлган Муроджон.  
Кўп ўтмай ғам-алам билан онаси  
Оламдан кўз юмди.  
Муроджон шундай  
Отасиз, онасиз қолгандир бўзлаб.  
Ўсди кишиларнинг эшикларида,  
Эсини танигач, ота касбига,  
Яъни миробликка қўйди у ихлос.  
Сувнинг ёқасидан кетмасди нари,  
Дарёда юриши шу важдан эди.  
Қақраган чўлларга сув олиб келмоқ  
Орзуси унга ҳеч бермасди тинчлик,  
Афсус, етолмади орзуларига.

### Ильич:

Ўлмаса, зўр мироб бўларкан Мурод,  
Малҳам топар экан ернинг дардига.  
Чўлга сув келтирмоқ кўп ёруғ орзу,  
Рўёбга чиқармоқ уни эзгу иш.  
Ҳимматли кишилар хўрланган жойда  
Тўхтар тараққиёт, элдан қут келар.  
Бир неча ҳикоя айтиб бердингиз,  
Тўғриси, уларни эшитмоқ оғир.  
Ахир, қатл этилса меъмор ва мироб,  
Бўғилса санъаткор, қандай қилиб халқ  
Олға қадам ташлар?  
Разолат-ку бу!  
...Хўш, айтиб беринг-чи ўша мудҳиш кун  
Яна қандай офат дуч келди Сизга.

### Кемачи:

Бир ой йўл босибман кун-тун судралиб  
Ўсиб соч-соқолим, қоқ суяк бўлиб,  
Афтода уйимга етганим ҳамон

Қўлим-оёғимни бойладилар-да,  
Зиндонга отдилар ҳолсиз танимни.  
Соли бой молига хиёнат этиб,  
Кемани чўктирган эмишман атай.  
...Сўнг сургун этдилар Сибирга.

### Ильич:

Шунча азоб-уқубатга чидабсиз, балли!  
Хизматга тухмат деб шуни айтарлар.  
Дўстингиз Муроднинг жасоратини  
Эшитган ҳар киши унинг руҳига  
Таъзим этмоқ учун эгар бошини  
Ва лаънат айтгуси қабоҳатларга.

### Йўловчи:

Қабоҳат не эрур, недур шарофат,  
Ҳаёт ажрим этур, имоним комил.  
Шунда сиз қабоҳат деган нарсалар  
Ажабмас рўшнолик бўлиб чиқсалар.

### Меъмор:

Буёғи тарихга ҳавола,  
Кетдик!

### ҲАР ЗАРРАСИ—НУР ТОМЧИСИ

Соҳил бўйлаб ялтиллайди Қорақум,  
Олтин қум бу, ёлқин қум бу, сара қум,  
Ҳар зарраси нур томчиси саналур,  
Шоирларнинг илҳомчиси саналур.  
Кам эмасдир чексизликда самодан,  
Ёвшонлар қолишарми раънодан.  
Саксовули қай гужумдан кам эрур,  
Қум бағрида минг бир чирой жам эрур.  
Қоялардай пурвиқордир барханлар,

Барханларда қўнмиш не-не карвонлар.  
Қум ўтларин лола янглиғ кулдириб,  
Дилни куйга — шалолага тўлдириб,  
Ушалтириб юракларнинг армонин,  
Бугун ўтар янги ҳаёт карвони.  
Қарвонбоши нигоҳидан нурланиб,  
Уюм-уюм тилла каби товланиб,  
Қуёш бўлиб порлаб ётар Қорақум,  
Кучоғига чорлаб ётар Қорақум.  
Она-Ернинг саховати беадоқ,  
Қалбга берар ҳаловати беадоқ.  
Гиёҳида минг бир дардга малҳам бор,  
Лойқа суви энг шифобахш доривор.  
Полиз кезиб ўтган одам бир карра  
Гурвагидан<sup>1</sup> тотган одам бир карра  
Хуш бўйи-ю шарбатидан бўлиб маст,  
Умр-умр хасталикка чалинмас.  
Қуёш нурын шимиб ётган гулоби<sup>2</sup>  
Лаззатлидир гўё гуржи шароби,  
Шундай меҳмоннавоз, сахий диёр бу,  
Олган билан адо бўлмас зиё бу.

\* \*  
\*

Обидалар, обидалар,  
Тил берса,  
Сўзларига бўлармикан ниҳоя.  
Агар унинг битта гишти гапирса,  
Юз оқшомга етадиган ҳикоя.  
Юпунларнинг аччиқ-аччиқ кўз ёши,  
Ғазаб ўти, матонати, бардоши,  
Тошга дўниб, айлаб кўкка эътимод,  
Минораю гумбаз бўлиб чўзди қад.  
Боболарнинг машаққатли шони ҳам,

---

<sup>1</sup>, <sup>2</sup> Гурвак, гулоби — Хоразм қовунлари тури.



Юракларнинг сирқиб оққан қони ҳам,  
Ҳақсизликка қарши кураш, галаён.  
Обидалар виқорида намоён.  
Бу юртда қалъа кўп—вайрона кўпдир,  
Дилни вайрон этар тарона кўпдир.

\* \* \*

\*

Ильич ҳузурида боради кенгаш,  
Қарсақка кўмилар большевиклар нутқи.  
Эрк учун, нур учун бошланган кураш  
Инқилоб ёвларин айлади тутқин.  
Уйноқи еллар ҳам тўхтади бир зум,  
Сайроқи булбуллар жим боқади, жим  
Инқилоб номидан ўқилар ҳукм:  
Ёвларга ўлим,  
Ёвларга ўлим!  
Акс-садо бериб асрий обидалар,  
Гўё эл ҳукмини қилади маъқул.  
Ильич ҳузурига келар оналар—  
Кўзларида ёш,  
Қўлларида гул.  
Ильич ҳузурида боради кенгаш,  
Сўз олар деҳқон:  
Керак от-улов!  
Қийноқлар ўтида ёниб меҳнаткаш,  
Оқибат ўзи ҳам бўлди бир олов.  
Гуриллаб ёндирди Исфандиёр тахтин,  
Куйдирди золимлар хонадонини.  
Балолардан асраб гўдаклар бахтин,  
Уртада баҳам кўрди бурда нонини.  
Умрини зулматдан айлади халос,  
Бугун у қафасдан бўшатишган қуш.  
Юксақ чўққиларга этади парвоз,  
Ильич ҳузурида янграйди олқиш.



Ҳали йўл қалтисдир,  
Ҳали йўл узоқ.  
Ҳали қиличларда совимаган қон.  
Ҳали ҳар одимда учрайди тузоқ,  
Ҳали ҳар одимда берилар қурбон.  
Ҳали сафар олдда,  
Ҳали зафар олдда!  
Ҳали олдиндадир шуълаю чақмоқ.  
Сўнмас эҳтирослар уйғотиб қалбда,  
Тонг каби кулажак муқаддас тупроқ.  
Чўлларни яшнатар инсонлар қўли,  
Дунёни яшартар эртанги кураш.  
Дилларда ёритиб истиқбол йўлини,  
Ильич ҳузурида боради кенгаш.

## **МЕН ОЗ КЎРГАНМАНМИ ЖАҲОНГИРЛАРНИ**

Феъли қалай ҳозир гирдоб-ўпқоннинг,  
Ким билар тақдирнинг недур нияти.  
Билармудир қия, наҳру уммонинг  
Ленинни асрамоқ масъулиятин.  
Яна у галгидай... Кема чилпарчин—  
Бўлсаю, Ильич ҳам...  
Сизмас ақлга!  
Уйдан сесканиб бизнинг кемачи,  
Илтижо этади бевош наҳрга:  
Неларни кўрмаган азим дарёсан,  
Ҳаётнинг ўзидай қадим дарёсан.  
Ййиб кетганингда, меҳринг беқиёс,  
Куйиб кетганингда, қаҳринг беқиёс.  
Меҳрингдан айлама бизни масуво,  
Эй, Жайхун-жавоҳир,  
Эй, она диёр!

Аму тилга кирар гўё шу заҳот,  
Дилга ҳайрат солар тўлқин забони:  
Жаранглаб илоҳий қўшиқлар озод,  
Чулғаб олганида еру самони.  
Менинг бағримда ҳам оққан севинчлар,  
Мен ҳам куйлаганман тошиб ва жўшиб.  
Аммо бўялганда қонга қиличлар,  
Оғзимдан қон бўлиб отилган қўшиқ.  
Мен оз кўрганманми жаҳонгирларни,  
Сўйласам оҳимга тўлмасми жаҳон.  
Мисоли оч бўри сингари улар  
Гулу гулзорларни этганда пайхон,  
Менинг сийнамда ҳам кўпган оғриқлар,  
Менинг юрагим ҳам кўпган оғриқлар,  
Менинг юрагим ҳам садпора бўлган.  
Ноламдан сочини юлган қирғоқлар,  
Ешимдан қишлоқлар зардобга тўлган.  
Сўйлайман сенга мен Султон Мозийдан,  
У мени тўсганди тошлари билан.  
Тошларни эритиб юрак оҳимдан,  
Ювиб юборганман ёшларим билан.  
Мен оз кўрганманми жаҳонгирларни,  
Бари ҳам босқинчи, бари ҳам офат.  
Мен бошга кўтарай, қуёш сингари—  
Кимки олиб келса юртга шарофат.

...Кема сузиб борар тўлқинлар оша,  
Ажалқия сари келар «лўкиллаб».  
Имтиҳон олди бўз боладай шошиб,  
Кемачи тақдирдан яхшилик тилар.  
Йўловчи тикилиб боқар қияга,  
Телпагин ечиб ва кийиб қўяди.  
Ҳайкалга кўз ташлаб, ғовлаб мияси,  
Зимдан қовоғини уюб қўяди.  
Меъмор қочирмайди уни ҳеч кўздан,  
Қора ниятларин сезиб боради.

Ғарбдан эсаётган шамолдай тезлаб,  
Кема қия сари сузиб боради.  
Биласиз, одамхўр Ажалқия бу.  
Оч бўри сингари тўймас ютоқиб.  
Қирғоқ бетидаги қоракуя бу,  
Лолагун соҳилнинг юздаги доғи.  
Шамол ваҳимадек борар зўрайиб,  
Тўлқин тинмай пичоқ қайрайди гўё.  
Икки елкасига сочларин ёйиб,  
Жазава ичида пишқирар дарё.  
Ана, кема кирди тўлқин қаърига,  
Белини қайириб ташлади гирдоб.  
Энди дарё уни уриб қияга,  
Минг жойдан синдириб, этмасми хароб?  
Йўловчи ғаламис кема ичида  
Ҳайкал сари борар мункиб-юлқиниб.  
Уни улоқтирмоқ истайди сувга,  
Кош ютса дарёнинг асов тўлқини.  
Ҳайкалга панжасин чўзар бадният  
Ва лекин, меъмор-ла келар юзма-юз.  
Дарё йўловчини қаърига олар,  
Ҳайқирар, ўшқирар—туғёни чексиз.

### **ЙЎЛОВЧИ ЧЎНТАГИДАН ТУШИБ ҚОЛГАН МАКТУБ**

«Сўзимни уқиб ол, Саиджон тўра,  
Тонг-саҳар йўлга чиқ, Чоржўйга жўна.  
Шамолдан тезроқ уч, қайрилма ортга,  
Қамчи бос, қамчи бос, қамчи бос отга.  
Чоржўйдан чиқади бир кема улли,<sup>1</sup>  
Уни бошқаради икки доғули.  
Бири кемачидир, исми Раҳмонқул,

---

<sup>1</sup> Улли — катта.

Бири меъмор эрур, уста Содик ул.  
Улар битта ҳайкал олиб келурлар,  
Уни Хоразмга бахт деб билурлар.  
Аслида кулфатни келурлар бошлаб,  
Кулфат не, офатни келурлар бошлаб.  
Сен уни даф қилгил, ол элдан савоб,  
Йўқ эса, у юртни айлайди хароб.  
Оёқ ости этар динни, имонни,  
Қулга айлантирар ҳар тирик жонни.  
Қарвондан қолган бир мусофир бўл-да,  
Кемага чиқиб ол, тез отлан йўлга.  
Уни даф қилмасанг, эмассан Саид,  
Сенга омад тилаб, султон Жунаид».

### КЕМАЧИНИНГ СЎНГИ СЎЗИ

Мен уни танирдим, Саид тўрани,  
Ҳисобсиз мол-мулки, зари бор эди.  
Қамчиси қон эди ҳамиша, яъни—  
Қамбағал одамга зўри бор эди.  
Аввал бир чанг солиб кўрди Шўрога,  
Қўллари қайрилгач, қумга чекинди.  
Бизга дуч келишин кўринг дарёда,  
Мусофирман, деди, занғар юкинди.  
Мен ҳам ишонибман лаққа, гўлман-да,  
Бўлмаса тикилиб қарамасмидим.  
Оз қолди бўлишга элда шарманда,  
Уша мунофиқни, ярамасни деб.  
Одам хом сут эмган дегани шу-да,  
Маили, бир йўқотар хассасин кўр ҳам.  
Уни ютганидан дарё осуда,  
Енгил нафас олиб ер яна кўркам.  
Ишлар шунақадир, Владимир Ильич,  
Гўллик қонимизда бор экан, нетдик.  
Лекин яхши ният ўзи зўр илинж,  
Илинж-ла яшадик, ниятга етдик!

У бўлса йўловчи (попутчик) эди,  
Ярим йўлда ўзи ўз бошини еди.

Дунё иши шундоқ, Владимир Ильич...

## ХОТИМА

Яна тозаланди кулдан чой ўчоқ,  
Яна олов ҳиди урди димоққа.  
Яна учқунларин сачратиб сазоқ,<sup>1</sup>  
Ширин бўй таратди икки қирғоққа.  
Кўмач пиширишга тутинди меъмор,  
Кемачи зеб берди яна гулларга.  
Яна кўк юзидан тарқади ғубор,  
Ғуборсиз завқ берди офтоб дилларга.  
Кема осойишта сузиб боради,  
Тавозе кўрсатар ювош оқимлар.  
Югура-югура гўё ҳориди  
Бетизгин тўлқинлар, бевош оқимлар.  
Аmmo ким ҳам билмас Амударёни,  
Саксон ўзгаради соат ичинда.  
Гоҳ сенга бахш этар субҳи сабони,  
Гоҳ ўртар қоронғи офат ичинда.  
Лекин шу-ку элнинг ризқи, нон-тузи,  
Бағри тўла тўфон, бағри тўла зар.  
Тўфонин жиловлаб, Амунинг ўзи—  
Ленинни бошига кўтариб келар.

1964—1983 йиллар



---

<sup>1</sup> Сазоқ — саксовул

## МУНДАРИЖА

Қўлини бер, дўстим!	6
Пахтакорим Хоразм	7
Наврўз	9
Ўзбегу тожик	10
Гулгун диёр жаранглар	11
Форишлик сайёҳ	13
Амударё	14
Севишганлар шаҳри	15
Кузги дарахт	18
«Йиллар ўтар...»	19
Ярми ҳазил...	19
Муҳаббат кўзаси	20
Ўтли қўшиқ	21
Дил илтижоси	21
Эсла, боғбон	22
Икки қуш	23
Севги кўчаси	23
Баҳор оқшомлари. (Туркум)	24
Олис нидолар. (Баллада)	41
Дарё бегараз. (Ленин Хоразмда). Достон	46

На узбекском языке

**Эркин Самандар**

**ВЕСЕННИЕ НОЧИ**

*Стихи, поэма*

Редактор А. Обиджонов.  
Рассом И. Вахитов.  
Расмлар редактори Р. Зуфаров.  
Корректор Ш. Аминова  
Техн. редактор Н. Мирзаева.

**ИБ 1406**

Теришга берилди 26. 06. 84. Босишга рухсат этилди  
23. 10. 84. Р—13221. Формати 70×90<sup>1/32</sup>. 1-босма қозоғга  
«Литературная» гарнитурда юқори босма усулида бо-  
силди. Шартли бос. л. 2,92. Шартли кр. отт. 3,21. Нашр.  
л. 2,75. Тиражи 10 000. Заказ № 209. Баҳоси 40 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Еш гвардия»  
нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб сав-  
доси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» по-  
лиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахо-  
наси, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.